

САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТ ВА УНИНГ ХУДУДЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

SPECIFIC ASPECTS OF ENSURING ECONOMIC SECURITY OF COUNTRY AND ITS REGIONS THROUGH INDUSTRIAL PRODUCTION DEVELOPMENT

ОСОБЕННОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАНЫ И ЕЕ РЕГИОНОВ ПУТЕМ РАЗВИТИЯ ПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА

Олимов Мақсуджон Комилжон ўғли –  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
таянч докторанти, Ўзбекистон,

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш гоёлари ва унинг асосий омиллари келтирилган. Иқтисодий хавфсизликни таъминловчи асосий омиллардан бири мамлакат ва унинг ҳудудлари саноати салоҳияти ва ишлаб чиқаришига эътибор қаратишдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси саноат ишлаб чиқаришининг кўрсаткичлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш омиллари, саноат салоҳияти, саноат ишлаб чиқариши, саноат кўрсаткичлари, саноат тузилмаси, халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқариши.

**Abstract:** This article outlines ideas for maintaining economic security of country and its key factors. One of the main factors contributing to economic security is focusing on the potential and production of the industry of country and its regions. Also, the indicators of the industrial production of the Republic of Uzbekistan have been studied and analyzed.

**Keywords:** economic security, factors of ensuring economic security, industrial potential, industrial production, industrial indicators, industrial structure, consumer goods production.

**Аннотация:** В данной статье изложены идеи обеспечения экономической безопасности страны и ее ключевые факторы. Одним из основных факторов, способствующих экономической безопасности, является ориентация на потенциал и производство промышленности страны и ее регионов. Также были изучены и проанализированы показатели промышленного производства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** экономическая безопасность, факторы обеспечения экономической безопасности, промышленный потенциал, промышленное производство, отраслевые показатели, отраслевая структура, производство товаров народного потребления.

**Кириш**

Иқтисодий хавфсизлик миллий хавфсизлик тизимининг муҳим таркибий қисмидир, чунки иқтисодиёт мамлакат, минтақалар, жамият, шахс ҳаёти, умуман мамлакатнинг барқарор ривожланишининг асосидир.

Ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлиги унинг салоҳияти, ўзига хос хусусиятлари, мамлакатнинг геосиёсий ўрни, халқаро алоқаларининг характери билан тавсифланади. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги давлатнинг миллий хавфсизлигини таъмин-

лашда муҳим роль ўйнайди. Дунёда ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган давлатлар йўқ. Улардан баъзилари катта табиий ресурсларга эга, бошқалари эса инновацион технологияларни ишлаб чиқади.

Мамлакат ва унинг минтақаларининг иқтисодий хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг бошқа таркибий қисмларини шакллантириш учун моддий асос бўлган мураккаб ва кўп омилли тизимдир.

XXI аср бошларига келиб, жаҳон иқтисодиётида инсоният тараққиётининг аввалги

даврларига хос бўлмаган янги тенденциялар вужудга келди. Иқтисодиётнинг маъно-мазмуни ва характери тубдан ўзгарди.

Жаҳон бозоридаги иқтисодий вазият мураккаблашди, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар табиати тубдан ўзгарди. Иқтисодий рақобат ниҳоятда кучайиб, кескин ва шафқатсиз тус олмоқда.

Ҳозирги вақтда иқтисодий хавфсизлик нафақат бутун давлатга, балки ҳар бир ҳудуд ёки шахсга алоҳида таъсир кўрсатади. Иқтисодиётдаги беқарорлик ва инқироз ҳар бир ҳудуд, оила ёки шахс учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бундай вазиятда мамлакатимиз иқтисодиётининг мунтазам такомиллашиб боришини таъминлайдиган механизмларни жорий этиш, барқарор иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ вазибаларни пухта белгилаб олиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. [1]

Давлат учун миллий ва минтақавий иқтисодиётга ташқи ва ички таҳдидлар мавжуд бўлмаганда иқтисодий хавфсизликка зарурат мавжуд бўлмас эди. Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигининг асосий омиллари унинг географик жойлашуви, табиий ресурслари, саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳияти, ижтимоий-демографик ривожланиш даражаси, давлат бошқарувининг сифати ҳисобланади.

Дарҳақиқат, асосий тармоқ кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмини аниқлашдан бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Ушбу мақолада саноат ишлаб чиқариш салоҳияти мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида кўриб чиқилди. Шунингдек, саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш орқали мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Иқтисодий хавфсизлик муаммолари Ўзбекистонда ва кўпгина хорижий иқтисодиётларда нисбатан янги. Улар сўнгги йилларда долзарб бўлиб қолди ва кўплаб хорижий олимлар уларни ўз асарларида ўрганишмоқда.

Афонцев С.А. иқтисодий хавфсизликни

“иқтисоднинг мустақиллигини, унинг барқарорлиги, доимий равишда янгиланиб туриш ва такомиллашиш имкониятини таъминловчи шарт ва омилларнинг йиғиндиси” деб таърифлайди [2].

Сенчагов В.К. иқтисодий хавфсизликни ҳокимият институтларининг ички иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда миллий манфаатларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш механизмларини яратишга тайёрлиги ва қобилияти деб ҳисоблайди. [3]

Шунингдек, ушбу мақолада муҳокама қилинган тадқиқот муаммосини атрофлича ўрганиш учун турли статистик маълумотлар, ҳуқуқий ҳужжатлар, электрон ресурслар, Кузнецова Е.И. [4], Радюкова Я.Ю. [5], Давиденко И.В. [6] каби бир қанча муаллифларнинг асарларидан фойдаланилган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотнинг методологик асосини тизимли ёндашув ташкил этади, бу тадқиқот муаммосини атрофлича ўрганиш имконини берди. Ушбу тадқиқот жараёнида тадқиқотнинг умумий илмий ва махсус усуллари: диалектика усуллари, иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш усули, қиёсий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мақсад ва вазибаларга қараб, бу усуллар ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилган.

#### **Тадқиқот натижалари ва таҳлиллар**

Ўз навбатида мамлакат ва унинг ҳудудларида иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳудудлар иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бир қатор омилларга боғлиқдир (1-расм).



1-расм. Мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи омиллар<sup>1</sup>

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, мамлакат ва унинг ҳудудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш омиллари қаторида саноат ишлаб чиқариши ва унинг таркиби ҳам алоҳида ўринга эга. Демак, биз ҳудудий саноат ишлаб чиқариши ҳажми ва унинг таркиби бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилиб, ўша ҳудуднинг иқтисодий хавфсизлик ҳолатига маълум бир маънода баҳо беришимиз мумкин.

Ўзбекистон саноати жадал ривожланаётган давлат. Иқтисодиётнинг ушбу тармоғида миллиондан ортиқ ишчи кучи банд ва ишлаб чиқаришнинг 40 фоизи тўғри келади. Мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда тармоқнинг улуши 35 фоизни ташкил этади.

Саноатнинг етакчи тармоқлари: пахта тозалаш, машинасозлик, тўқимачилик, газ, қимматбаҳо металллар, электроника, асбобсозлик, нефтни қайта ишлаш, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш. Бошқа тармоқлар, жумладан, кимё ва нефть-кимё, энергетика, металлургия, қурилиш материаллари ва енгил саноат тармоқлари жадал ривожланмоқда.

Энергетика, нефть-газ саноати, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти ва бошқа қатор соҳаларда чуқур таркибий ўзгаришлар бошланди. 12 та етакчи соҳада модернизация ва рақобатбардошликни ошириш дастурлари амалга оширилмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистоннинг 2018-2010 йиллардаги асосий саноат кўрсаткичлари<sup>2</sup>

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Саноат ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	57552,5	70634,8	84011,6	97598,2	111869,4	148816,0	235340,7	322535,8	368740,2	456056,1
Саноат ишлаб чиқаришининг жисмоний ҳажми индекси, ўтган йилга нисбатан %	105,7	107,5	104,5	105,3	105,4	105,2	110,8	105,0	100,9	108,8

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

<sup>2</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

шу жумладан:										
Тоғ-кон саноати	108,8	96,6	93,2	102,9	100,8	117,6	126,5	99,4	78,0	110,8
Ишлаб чиқариш саноати	106,3	112,5	108,0	105,9	106,7	104,2	107,9	106,6	107,9	108,3

Дастлабки маълумотлар бўйича 2021 йилда республика корхоналари томонидан 456 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индекси

108,7 % ни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 83,0 % ни ташкил этди.

## 2-жадвал

Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариши<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
<b>Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм</b>	105,7	107,5	104,5	105,3	105,4	105,2	110,8	105,0	100,9	108,8
<b>Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	108,8	96,6	93,2	102,9	100,8	117,6	126,5	99,4	78,0	110,8
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>	106,3	112,5	108,0	105,9	106,7	104,2	107,9	106,6	107,9	108,3
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	96,3	101,0	104,1	105,1	103,6	95,5	103,1	105,1	106,8	111,8

Жами саноат ишлаб чиқариши физик ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, тоғ-кон саноати ва очиқ конларда ишлаш – 10,7 %, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) сано-

атнинг – 8,2 % га ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг – 13,0 % га ўсиши кузатилди.

## 3-жадвал

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибининг ўсиш кўрсаткичлари<sup>4</sup>

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
<b>Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд. сўм</b>	<b>105,7</b>	<b>107,5</b>	<b>104,5</b>	<b>105,3</b>	<b>105,4</b>	<b>105,2</b>	<b>110,8</b>	<b>105,0</b>	<b>100,9</b>	<b>108,8</b>
<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>	<b>106,3</b>	<b>112,5</b>	<b>108,0</b>	<b>105,9</b>	<b>106,7</b>	<b>104,2</b>	<b>107,9</b>	<b>106,6</b>	<b>107,9</b>	<b>108,3</b>
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	106,9	111,3	110,7	113,2	109,8	90,3	98,5	110,9	108,6	104,2
Ичимликлар ишлаб чиқариш	105,5	106,7	98,8	116,1	101,9	97,9	111,0	112,7	105,7	118,0
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	107,6	113,2	107,2	110,5	109,0	100,5	107,4	105,3	117,4	119,5
Кийим ишлаб чиқариш	100,1	106,1	113,1	111,5	108,9	110,5	103,3	108,7	107,2	118,7
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	98,6	162,0	110,4	117,0	116,8	111,2	94,6	78,0	97,4	103,9
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	145,7	107,9	112,2	115,0	113,3	104,1	156,0	85,3	88,1	129,2
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	108,1	120,1	103,0	116,1	142,2	104,2	104,5	111,6	106,4	115,4
Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	125,7	108,4	107,5	115,2	134,4	106,3	96,2	98,1	76,3	127,8


<sup>3</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>4</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	102,9	103,7	104,8	107,5	132,7	94,0	97,2	102,3	107,6	107,0
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	110,0	118,3	115,3	123,0	127,4	109,4	103,3	108,5	118,9	144,5
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	102,8	123,7	94,1	98,0	113,2	118,0	123,5	92,3	109,7	101,3
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	111,3	115,5	106,0	104,0	111,0	110,6	111,6	104,5	105,9	108,6
Металлургия саноати	100,9	101,5	106,5	102,5	98,2	107,2	102,2	106,7	107,7	108,1
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	117,7	149,9	116,4	120,3	108,5	145,3	105,4	106,7	118,8	120,5
Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	109,5	134,0	132,6	101,0	78,1	174,5	118,8	142,8	172,0	138,4
Бошқа транспорт учунлари ишлаб чиқариш	115,2	115,1	105,7	89,9	94,8	102,4	115,4	120,7	102,5	108,8
Мебел ишлаб чиқариш	94,0	137,0	113,6	110,0	122,6	97,9	107,9	112,5	90,2	114,0
Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	117,2	155,8	108,7	120,1	125,0	88,6	96,4	109,9	110,3	109,7
Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	106,4	103,8	115,0	102,5	88,1	103,3	94,0	101,2	100,9	122,3

Юқоридаги жадвал маълумотлари жан кўриниб турибдики, ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги 20 га яқин тармоқларда ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Юқори ўсиш кўрсаткичларига эришган тармоқлар қаторида Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш – 44,5 %, Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб

чиқариш – 38,4 %, Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш – 29,2 %, Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш – 27,8 %, Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш – 22 % каби тармоқларни ажратиб кўрсатиш мумкин.



2-расм. Республика ишлаб чиқариш саноати таркибида ҳудудларнинг улуши, 2021 йил ҳолатига % да

2021 йил ҳолатига кўра Республика саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш Тошкент вилояти (Республика саноат маҳсулотининг 19,4 фоизи), Тошкент шаҳри (18,7 фоиз), Навоий (15,9 фоиз), Анди-

жон (9,3 фоиз) вилоятларига тўғри келади. Республика саноат маҳсулотида энг кам улушга эга ҳудудлар сифатида Жиззах (2,1 фоиз), Сурхондарё (1,6 фоиз) ва Сирдарё (1,5 фоиз) вилоятларини кўрсатиш мумкин.



**3-расм. Худудлар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)**

Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилиши республиканинг аксарият худудларида саноат ишлаб чиқаришини мунтазам равишда ўсиши кузатилмоқда. Хусусан, 2021 йилда саноат ишлаб чиқариши ўсиш кўрсаткичлари юқори бўлган худудлар Сирдарё вилояти – 18,5 фоиз, Наманган вилояти – 18,2 фоиз ва Хоразм вилояти – 17,2 фоиз. Энг паст ўсиш кўрсаткичи Бухоро вилоятида кузатилган – 1 фоиз. Андижон вилоятидан эса саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичида пасайиш кузатилган.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Мамлакат ва унинг худудлари иқтисодий хавфсизлиги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи элементлардан (таркибий қисмлардан) ташкил топган тизим бўлиб, иқтисодий хавфсизлик даражаси унинг ҳар бир таркибий қисмининг хавфсизлигига боғлиқ.

Олинган тадқиқот маълумотларига кўра, Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг асосий омилларидан бири саноат ишлаб чиқаришини кўпайтириш, шу билан бирга инвестиция жараёнини фаоллаштириш ва технологик инновациялардан фойдаланиш ҳисобланади.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларни самарали амалга ошириш, худудларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш

механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- худудларни ривожлантириш бўйича республика ҳамда худудий дастурларни танлаш ва уларни амалга оширишни асослаш, навбатга қўйиш тизимини шакллантириш;

- республика ва худудий дастурларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирликларнинг масъулиятларини ошириш;

- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг худудий жиҳатларини кучайтириш;

- тармоқ дастурларининг худудий жиҳатлари мониторингини ташкил этиш;

- худудлар ва тармоқ имкониятлари, заҳираларини чуқур ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- дастурларни амалга ошириш устидан қатъий назоратни кучайтириш, назорат тизимини яратиш.

Ўз навбатида, давлатнинг ўрта муддатли истиқболдаги иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳияти иқтисодий жиҳатдан самарали ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ижтимоий дастурлар ва ижтимоий соҳадаги давлат



вазифаларини бажариш асосларини таъминлаш мақсадида мамлакатнинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва унинг ижтимоий барқарорлиги бевосита бозор муносабатлари давлат субъектларининг рақобатбардошлигини яхшилашга, аҳолининг ижтимоий таъми-

ноти ва фаровонлигини оширишга, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини молиялаштиришга бевосита боғлиқ бўлиб, натижада у иқтисодий ривожланиш ҳамда республикамизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2022.
2. Afontsev S.A. Discussion Problems of the Concept of National Economic Security. Russia XXI, 2, 2011.
3. Senchagov V.K. Economic Security of Russia. General Course: Textbook (3rd ed., revised and amended). Moscow: BINOM. Laboratoriya. 2015, p. 815.
4. Kuznetsova E.I. Economic security and competitiveness: Monograph/ Kuznetsova E.I. – Electron. text data. – M.: UNITI-DANA, 2012.
5. Radyukova Y.U. Economic security of the country as multilevel system of elements and relations. Social and Economic Phenomena and Processes. – 2011.
6. Davidenko I.V. The analysis of theoretical approaches to definition of the concept “economic security”. I.V. Davidenko//Business. Education. Right. Vestnik of the Volgograd Business Institute. – 2012.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик ҳисоботлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.

### IMPROVING THE EFFICIENT USE OF INTERNAL CAPACITIES OF THE TEXTILE AND TEXTILE KNITTING INDUSTRY

**Fayziyeva Khamida Kudratovna –**

Senior teacher of the Department of World Economics  
Toshkent state university of Economics  
E-mail: khamidafayziyeva@gmail.com

**Khudaybergenova Adalat Ne'matullayevna –**

Senior teacher of the Department of World Economics  
Toshkent state university of Economics  
E-mail: adolatkhudaybergenova@gmail.com

**Annotation.** This article addresses the issues of improving ways to effectively use the domestic potential of the textile and clothing industry. It also covers the development of the textile and clothing industry and the effective use of domestic resources. In addition, indicators have been proposed to identify the internal potential of the textile and clothing industry, and research has been conducted on their evaluation practices. The main indicators of the structure of production capacity and the level of utilization of internal capacity of industrial enterprises have been developed. In addition, the export potential of the industrial sector of the Republic of Uzbekistan was analyzed and the export potential of Samarkand region was assessed. Conclusions and recommendations have been developed to improve the effective use of the domestic potential of the textile and clothing industry.

**Keywords:** textile and garment industry, domestic potential of the industry, textile, industrial sector, domestic potential, export potential, corporate efficiency, innovation potential, production potential, cotton yarn.